



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT
TUMANI HOKIMINING
QARORI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 11 - noyabr

534 -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Мавлонов Тоҳиржон
Рамонбердиевичнинг турар жой
биносига бўлган эгалик ҳуқуқини
белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Намуна” маҳалласида яшовчи фуқаро Мавлонов Тоҳиржон Рамонбердиевичнинг “Намуна” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 10 ноябрдаги ХО-М-3162-сонли аризасини, “Намуна” маҳалла фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 10 ноябрдаги 3913-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Намуна” маҳалласида жойлашган 6 (олти) та хонадан иборат, яшаш хоналари 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 48,30 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 90,34 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 138,64 квадрат метр, қурилиш ости майдони 218,04 квадрат метр, умумий ер майдони 1346,8 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Мавлонов Тоҳиржон Рамонбердиевичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Мавлонов Тоҳиржон Рамонбердиевичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Мавлонов Тоҳиржон Рамонбердиевичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

- **Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи**



Ш.Яхшибаев